



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

412 Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
10 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2152*

(2010 йил 20 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 17-сон, 140-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сон «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 6-сон, 51-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раиси в.б.

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 12 октябрь,
01/11-18/08-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулкани бошқариш давлат
қўмитасининг 2010 йил 12 октябрдаги
01/11-18/08-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш
давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини
баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини
аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 17-сон, 140-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сон «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 6-сон, 51-модда) ва баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда Давлат мулки қўмитаси деб юритилади) буюртмаларига асосан баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотлар (кейинги ўринларда баҳоловчи ташкилот деб юритилади) томонидан баҳолаш объектларини баҳолаш хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Давлат мулки қўмитаси ва баҳоловчи ташкилот ўрта-

сида мазкур Низом кучга киргандан кейин тузиладиган шартномаларга татбиқ этилади.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси қарорлари билан баҳоловчи ташкилот шу жумладан, хорижий баҳоловчи ташкилот жалб қилинган ҳолларда ҳамда ушбу қарорларда уларни жалб қилишнинг ва (ёки) улар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлашнинг мазкур Низомда кўзда тутилмаган бошқача тартиби белгиланган тақдирда Давлат мулки қўмитаси ва баҳоловчи ташкилот ўртасида тузиладиган шартномаларга татбиқ этилмайди.

3. Баҳоловчи ташкилот хизматларининг мазкур Низомга асосан аниқланадиган қиймати бўйича хизмат кўрсатиш истагини билдирган баҳоловчи ташкилот ва Давлат мулки қўмитаси ўртасида шартнома тузилади.

4. Баҳоловчи ташкилотнинг хизматлари хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

5. Баҳоловчи ташкилот хизматларининг қийматини аниқлаш мақсадида мазкур Низомнинг 6, 7 ва 8-бандларида келтирилган формулалар ҳамда мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ коэффициентлардан иборат услуб қўлланилади.

Бунда, баҳоловчи ташкилот хизматларининг қийматини аниқлаш услуби баҳолаш объектининг қўйидаги типларига боғлиқ бўлади:

давлат унитар корхонаси, бюджет ташкилоти, хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги акциялар (улушлар);

мустақил баланс юритмайдиган мулкӣ мажмуа, мулкӣ мажмуанинг бир қисми (кейинги ўринларда мулкӣ мажмуа деб юритилади);

бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган);

мазкур банднинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўзда тутилмаган бошқа асосий фондлар (иншоотлар, узатувчи мосламалар, машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, инструментлар, инвентарь, ишчи ҳайвон, кўп йиллик ўсимликлар ва бошқа асосий фондлар) (кейинги ўринларда бошқа активлар деб юритилади).

Баҳолаш объекти таркибида ер майдони бўлган тақдирда, баҳоловчи ташкилот хизматларининг қийматига мазкур Низомнинг 10 ва 11-бандларига мувофиқ аниқланадиган ер майдонини баҳолаш хизматларининг қиймати кўшилади.

II. Баҳоловчи ташкилот хизматларининг қийматини аниқлаш

6. Давлат унитар корхонаси, бюджет ташкилоти, хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги акциялар (улушлар) ёки мулкӣ мажмуа баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$Қ = [(ЭКИХ \times K_1) + (ЭКИХ \times K_2)] \times K_6 \times K_x$, бунда:

K — давлат унитар корхонаси, бюджет ташкилоти, хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги акциялар (улушлар) ёки мулкый мажмуа баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати;

ЭКИХ — баҳолаш санасидаги Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори;

K_1 — мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган 1-жадвалга мувофиқ энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан коэффициент;

K_2 — мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган 2-жадвалга мувофиқ энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан коэффициент;

K_6 — баҳолашда қўлланилган ёндашув сонини ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, қуйидагига тенг:

битта ёндашув қўлланилганда — 1,0;

иккита ёндашув қўлланилганда — 1,1;

учта ёндашув қўлланилганда — 1,2;

K_x — баҳолаш объекти жойлашган ҳудудни (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ҳисобга олувчи коэффициент, бунда:

агар баҳолаш объекти республиканинг иккитагача (иккита ҳам киради) ҳудудларида жойлашган бўлса, коэффициент — 1,0;

агар баҳолаш объекти республиканинг учтадан олтигача (олтита ҳам киради) ҳудудларида жойлашган бўлса, коэффициент — 1,05;

агар баҳолаш объекти республиканинг еттитадан ўнтагача (ўнта ҳам киради) ҳудудларида жойлашган бўлса, коэффициент — 1,1;

агар баҳолаш объекти республиканинг ўн бир ва ундан ортиқ ҳудудларида жойлашган бўлса, коэффициент — 1,15.

7. Бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган) баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$Қ = (ЭКИХ \times K_1) \times K_6 \times K_x$, бунда:

K — бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган) баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати.

8. Бошқа активлар баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$Қ = [(ЭКИХ \times \sum (K_3 \times C) \times K_k) + ЭКИХ] \times K_6 \times K_x$, бунда:

K — бошқа активлар баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати;

K_3 — мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган 3-жадвалга мувофиқ энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан коэффициент;

С — баҳолаш объекти сони;

Кк — 0,05 га тенг бўлган камайтирувчи коэффициент.

9. Давлат мулки кўмитаси буюртмалари асосида баҳолаш объектлари баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматлари қийматининг миқдори баҳоловчи ташкилот томонидан тақдим этиладиган қуйидаги харажатлар калкуляциясига асосан:

давлат унитар корхонаси, бюджет ташкилоти, хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги акциялар (улушлар) ёки мулкӣ мажмуа баҳоланганда мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ;

бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган) баҳоланганда мазкур Низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ;

бошқа активлар баҳоланганда мазкур Низомнинг 4-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ аниқланади.

III. Бошқа шартлар

10. Ер участкаси хусусийлаштириш мақсадида баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати баҳолаш санасидаги энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида белгиланади.

11. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи баҳоланганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати баҳолаш санасидаги энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида белгиланади.

12. Баҳолаш объекти талаб қилиш ҳуқуқи, мажбурият (қарз) бўлганда баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати баҳолаш объектининг (давлат унитар корхонаси, бюджет ташкилоти, хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги акциялар (улушлар), мулкӣ мажмуа, бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган) ва бошқа активлар) юзага келиш манбаидан келиб чиқиб белгиланади.

13. Баҳолаш объекти хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги 5 фоизгача (5 фоиз ҳам киради) бўлган акциялар (улушлар) бўлганда, мазкур Низомга мувофиқ ҳисобланган хизматлар қиймати 50 фоизга камайтиради.

14. Айнан бир баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш объекти олдинги баҳолаш санасидан икки календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда такроран баҳоланганда, мазкур Низомга мувофиқ охириги баҳолаш санасига ҳисобланган такрорӣ баҳолаш хизматларининг қиймати 50 фоизга камайтиради.

15. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш бўйича баҳоловчи ташкилот хизматларининг қиймати қуйидагича белгиланади:

таҳлилий экспертиза ўтказилганда, мазкур Низомга мувофиқ баҳолаш санасига ҳисобланган хизматлар қийматининг 10 фоизи, лекин эксперт хулосаси тайёрланган санадаги энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

дала шароитида экспертиза ўтказилганда, мазкур Низомга мувофиқ баҳолаш санасига ҳисобланган хизматлар қийматининг 15 фоизи, лекин экс-

перт хулосаси тайёрланган санадаги энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда.

16. Баҳоловчи ташкилот қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлганда, баҳоловчи ташкилот хизматларининг қийматига қўшилган қиймат солиғи миқдори қўшилади.

IV. Яқуний қоида

17. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2010 йил 12 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани
бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига
асосан баҳолаш объектларини баҳолашда
баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг
қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби
тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

1-жадвал

Энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан КОЭФФИЦИЕНТЛАР

	Баҳолаш объектининг майдони — бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган)*	К ₁
1.	100 м ² гача	5
2.	100 дан 300 м ² гача	9
3.	300 дан 600 м ² гача	13
4.	600 дан 1000 м ² гача	17
5.	1000 дан 2000 м ² гача	21
6.	2000 дан 3500 м ² гача	25
7.	3500 дан 5000 м ² гача	29
8.	5000 м ² ва ундан ортиқ	33

* хизматлар қийматини аниқлашда бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган) майдони баҳоланаётган ҳамма бинолар (шу жумладан, қурилиши тугалланмаганлари) майдонларининг йиғиндиси сифатида аниқланади.

2-жадвал

**Энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

	Биодан (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган) ташқари асосий фондлар сони	К₂
1.	50 донагача	8
2.	50 дан 180 донагача	11
3.	180 дан 300 донагача	15
4.	300 дан 450 донагача	20
5.	450 дан 600 донагача	26
6.	600 дан 800 донагача	33
7.	800 дан 1050 донагача	41
8.	1050 дан 1300 донагача	50
9.	1300 дан 1600 донагача	60
10.	1600 дан 1900 донагача	71
11.	1900 дан 2250 донагача	83
12.	2250 дан 2600 донагача	96
13.	2600 дан 3000 донагача	110
14.	3000 дан 3500 донагача	125
15.	3500 дан 4000 донагача	141
16.	4000 дан 4500 донагача	158
17.	4500 дан 5000 донагача	176
18.	5000 ва ундан ортиқ	195

3-жадвал

**Энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Баҳолаш объекти*	С	К₃
Иншоотлар, узатувчи мосламалар, машина ва асбоб-ускуналар	1 бирлик	2,0
Транспорт воситалари	1 бирлик	1,5
Инструментлар, инвентарь, ишчи ҳайвон, кўп йиллик ўсимликлар ва бошқа асосий фондлар	1 бирлик	0,5

* хизматлар қийматини аниқлашда бир хил номдаги, ишга тушириш (экиш) йили ва маркаси (типи) бир хил бўлган баҳолаш объектлари баҳоланаётган объектнинг битта бирлиги деб қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани
бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига
асосан баҳолаш объектларини баҳолашда
баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг
қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби
тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

**Давлат унитар корхонаси, бюджет ташкилоти, хўжалик
юритувчи субъект устав фондидаги акциялар (улушлар) ёки
мулкый мажмуа баҳоланганда хизматлар қийматини аниқлаш
бўйича харажатларнинг
_____ - сон КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ**

_____ ш. «___» _____ 20__ й.

баҳолаш бўйича топшириқ рақами ва санаси: _____

				(сўм)
№	Баҳолаш объекти	Ўлчов бирлиги	Коэф-т (K ₁ , K ₂)	Қиймат
<i>Баҳолаш санасидаги Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (сўм):</i>				
1.	Бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган)	100 м ² гача	5	K ₁ x ЭКИХ
		100 дан 300 м ² гача	9	
		300 дан 600 м ² гача	13	
		600 дан 1000 м ² гача	17	
		1000 дан 2000 м ² гача	21	
		2000 дан 3500 м ² гача	25	
		3500 дан 5000 м ² гача	29	
	5000 м ² ва кўпроқ	33		
2.	Бинодан (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган) ташқари асосий фондлар	50 донагача	8	K ₂ x ЭКИХ
		50 дан 180 донагача	11	
		180 дан 300 донагача	15	
		300 дан 450 донагача	20	
		450 дан 600 донагача	26	
		600 дан 800 донагача	33	
		800 дан 1050 донагача	41	
		1050 дан 1300 донагача	50	
		1300 дан 1600 донагача	60	
		1600 дан 1900 донагача	71	
		1900 дан 2250 донагача	83	
		2250 дан 2600 донагача	96	
		2600 дан 3000 донагача	110	
		3000 дан 3500 донагача	125	
		3500 дан 4000 донагача	141	
4000 дан 4500 донагача	158			
4500 дан 5000 донагача	176			
	5000 ва ундан ортиқ	195		
3.	Сумма			-

(сўм)

№	Баҳолаш объекти	Ўлчов бирлиги	Коэф-т (K ₁ , K ₂)	Қиймат
Кўрсаткичлар				
4.	Баҳолашда қўлланилган ёндашув сонини ҳисобга олувчи коэффициент, (Кё)			= 3 сатр x тегишли коэффициент
5.	Баҳолаш объекти жойлашган ҳудудни ҳисобга олувчи коэффициент, (Кх)			= 4 сатр x тегишли коэффициент
6.	Баҳолаш объекти хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги 5 фоизгача (5 фоиз ҳам кироди) акциялар (улуш) бўлганда			= 5 сатр x 0,5
7.	Ердан фойдаланиш ҳуқуқи баҳоланганда			3 x ЭКИХ
8.	Ер участкаси хусусийлаштириш мақсадида баҳоланганда			10 x ЭКИХ
9.	Баҳолаш объекти олдинги баҳолаш санасидан икки календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда такроран баҳоланганда			= (5 сатр+7 сатр + 8 сатр) x 0,5 ёки (6 сатр + 7 сатр + 8 сатр) x 0,5
10.	ҚҚСсиз хизматлар қиймати			= (5 сатр + 7 сатр + 8 сатр) ёки (6 сатр + 7 сатр + 8 сатр) ёки 9 сатр
11.	ҚҚС			
12.	Хизматлар қиймати ҚҚС билан биргаликда			= 10 сатр + 11 сатр

**Давлат мулки қўмитаси
(ҳудудий бошқармаси) раҳбари**

М.Ў.

Бош ҳисобчи

**Баҳоловчи ташкилот
раҳбари**

М.Ў.

Бош ҳисобчи

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни
бошқариш давлат қўмитаси буюртмаларига
асосан баҳолаш объектларини баҳолашда
баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг
қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби
тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

**Бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган)
баҳоланганда хизматлар қийматини аниқлаш
бўйича харажатларнинг
_____ - сон КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ**

_____ ш. «____» _____ 20__ й.

баҳолаш бўйича топшириқ рақами ва санаси: _____

(сўм)				
№	Баҳолаш объекти	Ўлчов бирлиги	Коэф-т (К ₁)	Қиймат
<i>Баҳолаш санасидаги Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (сўм)</i>				
1.	Бино (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган)	100 м ² гача	5	К ₁ x ЭКИХ
		100 дан 300 м ² гача	9	
		300 дан 600 м ² гача	13	
		600 дан 1000 м ² гача	17	
		1000 дан 2000 м ² гача	21	
		2000 дан 3500 м ² гача	25	
		3500 дан 5000 м ² гача 5000 м ² ва кўпроқ	29 33	
2.	Сумма			-
Кўрсаткичлар				
3.	Баҳолашда қўлланилган ёндашув сонини ҳисобга олувчи коэффициент, (Кё)			= 2 сатр x тегишли коэффициент
4.	Баҳолаш объекти жойлашган ҳудудни ҳисобга олувчи коэффициент, (Кх)			= 3 сатр x тегишли коэффициент
5.	Ердан фойдаланиш ҳуқуқи баҳоланганда			3 x ЭКИХ
6.	Ер участкаси хусусийлаштириш мақсадида баҳоланганда			10 x ЭКИХ
7.	Баҳолаш объекти олдинги баҳолаш санасидан икки календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда такроран баҳоланганда			=(4 сатр + 5 сатр + 6 сатр) x 0,5
8.	ҚҚСсиз хизматлар қиймати			= (4 сатр + 5 сатр + 6 сатр) ёки 9 сатр
9.	ҚҚС			
10.	Хизматлар қиймати ҚҚС билан биргаликда			= 8 сатр + 9 сатр

Давлат мулк қўмитаси
(ҳудудий бошқармаси) раҳбари

Баҳоловчи ташкилот
раҳбари

М.Ў.

М.Ў.

Бош ҳисобчи

Бош ҳисобчи

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани
бошқариш давлат кўмитаси буюртмаларига
асосан баҳолаш объектларини баҳолашда
баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг
қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби
тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

**Бошқа активлар баҳоланганда хизматлар қийматини
аниқлаш бўйича харажатларнинг
_____ - сон КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ**

_____ й. «___» _____ 20__ й.

баҳолаш бўйича топшириқ рақами ва санаси: _____

(сўм)					
№	Баҳолаш объекти	Ўлчов бирлиги	Көэф-т (К ₃)	Сони (С)	Қиймат
<i>Баҳолаш санасидаги Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (сўм):</i>					
1.	Иншоотлар, узатувчи мосламалар, машина ва асбоб-ускуналар	1 бирлик	2		К ₃ x ЭКИХ x К
2.	Транспорт воситалари	1 бирлик	1,5		К ₃ x ЭКИХ x К
3.	Инструментлар, инвентарь, ишчи ҳайвон, қўп йиллик ўсимликлар ва бошқа асосий фондлар	1 бирлик	0,5		К ₃ x ЭКИХ x К
4.	Сумма				-
Кўрсаткичлар					
5.	Камайтирувчи коэффициент (Кк)				= 4 сатр x 0,05
6.	Энг кам иш ҳақи				= 5 сатр + ЭКИХ
7.	Баҳолашда қўлланилган ёндашув сонини ҳисобга олувчи коэффициент, (Кё)				= 6 сатр x тегишли коэффициент
8.	Баҳолаш объекти жойлашган ҳудудни ҳисобга олувчи коэффициент, (Кх)				= 7 сатр x тегишли коэффициент
9.	Баҳолаш объекти олдинги баҳолаш санасидан икки календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда такроран баҳоланганда				= 8 сатр x 0,5
10.	ҚҚСиз хизматлар қиймати				= 8 сатр ёки 9 сатр
11.	ҚҚС				
12.	Хизматлар қиймати ҚҚС билан биргаликда				= 10 сатр + 11 сатр

Давлат мулки кўмитаси
(ҳудудий бошқармаси) раҳбари

Баҳоловчи ташкилот
раҳбари

М.Ў. _____

Бош ҳисобчи

М.Ў. _____

Бош ҳисобчи